

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВА РАЪНО ИСАКОВНА

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЙ
МУҲИТИ ТАКОМИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

УЎҚ: 821.512.133(092)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Ибрагимова Раъно Исаковна

Истиклол даврида Қорақалпоғистонда ўзбек адабий мухити такомилли 5

Ибрагимова Раъно Исаковна

Развитие узбекской литературной среды в Каракалпакстане в период
независимости 27

Ibragimova Rano Isakovna

Improvement of uzbek literary sphere in Karakalpakstan during independence
period 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lits of published works 53

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА РАЪНО ИСАКОВНА

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЙ
МУҲИТИ ТАКОМИЛИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Fil708 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанбаев Илхомбек Аминбаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ғайипов Дилшод Қадамбоевич
филология фанлари доктори (DSc)

Матякупов Саъдулла Гаипович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот

Навоий давлат педогогика институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» «_____» соат __00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 14) Тел.:(+998 62) 2246680; Fax: (+998 62) 224 6700; e-mail: info@urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 14. Тел.: (+998 93) 9227734 e-mail: arm@urdu.uz.)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.Дўсимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

С.М.Сариев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д. (DSc), доцент

А.Д.Ўразбоев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси в.в.б.,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий жанрларнинг шаклланиши ва янги лирик шаклларнинг юзага келишида ижодкор бадиий маҳоратининг ўрни масаласини поэтик тафаккур эволюцияси билан бевосита боғлиқлик тамойили кучаймоқда. Шеърятдаги янгиланишлар, туб ислохатлар, жумладан шакл, мазмун ва услуб доирасидаги миллий изланишлар герменевтика, микроанализ ва янги танқид каби илғор жаҳон адабиёти анъаналари ҳамда маданияти ютуқларига таянади. Дунё халқлари адабиётининг ижодий тажрибалари, поэтик жанр ва шеърый шакллар бадиий тафаккурни янги мазмун билан бойитмоқда ва миллий ўзликни ифода этишининг янги имкониятларини очиб бермоқда. Қорақалпоғистонда ўзбек адабий муҳитида ҳар йили кўплаб ижод намуналари яратилади, бироқ бу ижод намуналарини илмий аспектда ўрганиш талаб даражасида эмас. Тақдим қилинаётган тадқиқот бу борадаги назарий бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Дунё адабиётшунослигида бадиий таҳлил назариясининг чуқурлашганлиги туфайли структурализм, компаративистика, рецептив эстетика, постструктурализм, нарратология ва герменевтика йўналишлари кенг ривожланмоқда. Бадиий-эстетик тафаккурдаги бундай тадрижий поэтик янгиланишлар, табиийки, лириканинг анъанавий шакл ва жанрлари табиатида ҳам структурал-таркибий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлмоқда. Мазкур жараён минтақа ўзбек адабий муҳитида ҳам ўз аксини топиб бу борадаги масалалар бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Дунё халқлари адабиётида шаклий-услубий ва мазмуний изланишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар моҳиятини ёритиш, илғор адабий анъаналарни ўзлаштиришга интилиш поэтик талқин тараққиёти омили сифатида баҳоланади. Изланишлар савияси ва бадиий маҳоратни комплекс муаммо сифатида текшириш, узлуксиз жараёнда поэтик анъана ҳамда тажриба бир-бирига ўтиб туришини белгилашга ҳамиша жиддий эътибор қаратилган. Натижада адабиётимиз хазинасини бойитувчи бадиий баркамол намуналар яратилган. Халқимизнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ўзбек шеърятини, адабиёти эзгу мақсадларга қаратилганлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. «...Инсоннинг қалби, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-ниятларини, Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳиссиётларини акс эттирувчи бетакрор сўз»¹ ҳар қачонгидан кўпроқ вазифа ўтайди. Бинобарин, ҳаракат ва фаолиятни миллий анъана ва умуминсоний қадриятлар асносида текшириш ва янги эстетик қийматга йўналтириш масала моҳиятини ойдинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъатни, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини такомиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори// Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4 август, 153 (6847)-сон.

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ 5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида бадиий-эстетик изланишларни давр ва адабий муҳит, ижодкор шахси, жамият психологияси ва жанрий-услубий изланишлар уйғунлигида таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, профессор Н. Каримов² Миртемир, С.Ақбарий, Т.Сулаймон, Отаёр ижодидаги фольклоризм талқини ва услубий хусусиятлари, А. Мухтор, Мирмуҳсин, Э.Воҳидов ва бошқа шоирларнинг аруздаги изланишлари, М.Шайхзода, Р.Бобожон, Шукруллоларнинг рубоийнавислик маҳорати, Б. Бойқобилов ва Р.Парфиларнинг сонет жанридаги поэтик тажрибаси адабиётшунослигимизда алоҳида ўрганилган эди³. Ушбу масалаларнинг моҳияти янги қирралари, баъзи масалалари бир қатор докторлик диссертацияларининг юзага келишига асос бўлди⁴. Бинобарин, ўзбек адабиётида анъана ва изланиш, поэтик маҳорат, бадиий тафаккур тарзи ва ижодкор индивидуал услуби, фалсафий дунёқараш, тарихийлик, психологизмнинг теран илдиз отиши, адабий тафаккур сатҳида

² Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 103-133.

³ Рахимжонов Н.К. Тенденции развития современной узбекской поэзии: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989; Акрамов Б.А. Проблема поэтического образа в современной узбекской поэзии: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991; Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққийнинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиклол мафқураси: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. – Тошкент, 1994. – Б. 46; Норбоев Б.Ж. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1996; Бобоев Т. Олий ўқув юртларида ўзбек шеърини поэтикаси асосларини ўрганиш: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1998; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърини психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1999 ва х.к.

Абсамиев Х. Традиция и новаторство в узбекской советской поэзии 60-70-х годов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Шарипов Р.Х. Стилевые особенности современной узбекской поэзии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Эшонова З.Ш. Идеино-художественные особенности поэзии Чулпана: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991; Қодиров В.А. Ҳозирги замон ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1993.

янгилашишлар, бадиий мантиқ ва тафсилот, сюжет ва композиция, сўз ва образ нисбати кўпгина номзодлик диссертацияларида батафсил ўрганилди⁵.

Кўринадики, истиқлол даври ўзбек адабиёти бир маданий муҳит муштараклиги, бир адабий жараён контекстидаги ўзига хослик, иккинчи бир халқ ҳаёти билан ҳамоханг тарзда ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлар индивидуал маҳорати, ижодий адабий маҳорат юксалиши аспектидаги тутган ўрнини белгилаш йўналишида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган, ушбу ҳолат тадқиқот янгилигини амалда тасдиқлайди. Танланган мавзу, унга янгича адабий-эстетик қонуниятлар асосида ёндашув, кузатиш, илмий таҳлил ва назарий хулосалар чиқариш майли илмий иш салоҳиятини белгилашга хизмат қилади.

Истиқлол даври Қорақалпоғистонда ўзбек адабий муҳити, ижодкор шахси ва бадиий сўз санъати ривожланиш босқичларини белгилаш, жанр ва бадиий маҳорат қирраларини умумлаштириш, уларнинг бир-бирини бадиий-эстетик жиҳатдан бойитишга хизмат қиладиган ўзига хос хусусиятларни кузатиш, шеърият, наср, минтақа публицистикаси тарихий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш ҳамда шу аснода ижодкор ғоявий-эстетик тафаккури ва индивидуаллигини ёритиш тадқиқот моҳиятини тайин этади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва аоротехнологиялар институтининг “Қорақалпоғистонда истиқлол йилларида миллий тиллар тараққиёти шу жумладан, маҳаллий халқлар адабиёти ривожланиш тамойиллари” мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистонда истиқлол даври ўзбек адабий муҳити ўзига хослигини, унда анъана ва тажриба синтези, маданий ҳамкорлик ва ижодий таъсир моҳиятини белгилаш, яхлит бир бадиий-эстетик тизим сифатидаги ривожланишини очиқ беради.

⁵ Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1993; Алиев Б.Р. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида психологизм муаммоси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Йўлдошев Н.Т. Чўлпон шеъриятида пейзаж: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгилашиш жараёни: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеъриятида маънавият масаласи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994; Абдукаримов Т. Зулфиянинг 70-80-йиллар ижодида лирик қахрамон тасвири: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1995; Ражабов Д.Э. 80-йиллар ўзбек болалар шеъриятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1995; Афокова Н.М. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1997; Ҳамдамов У.А. 30-йиллар ўзбек шеъриятида «соф лирика» муаммоси (Ойбек шеърияти асосида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1997; Ражабов Д.З. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1998; Ўразимбетов К.К. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида бадиий шакллар тадрижий тараққиёти ва типологияси. – Нукус, 2005. – Б. 46; Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2001; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004; Ҳамидова М.Х. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005; Умрзоқова Н.Т. Усмон Носир шеъриятида руҳият тасвири: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005; Алдашева Ш. 70-90-йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърий туркум табиати: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2019;

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижодкорларнинг ўзига хос бадиий тафаккурига мансуб адабий жараёнда ўзига хос ўрин эгаллаган ва хусусан, Қорақалпоғистонда ўзбек адабий муҳити тараққиётига катта ҳисса қўшган иждодкорлар фаолиятида адабий алоқа, маданий ҳамкорлик муносабатини кузатиш, сифат ўзгариши ва ифода усуллари муштарак ҳамда тафовутларини очиб бериш;

минтақада адабий муҳит тадрижида иждодкор мақомини белгилаш;

мавзу ва ғоя, адабий талқин ва ифода ментал жиҳатлар типологиясини назарий тавсифлаш;

адабий тур ва жанрлар таъсирида истиқлол даври руҳияти табиати ҳамда унинг билвосита ҳамда бевосита таъсирини мантиқан далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти ўрнида К.Қураамбоев, Г.Матёқубова, Ф.Салаев, Р. Раҳмонберди қизи, Я.Қўчқоров, М.Ахмедов, Н.Матёқубова, Г.Раҳимова, М.Юсупова каби иждодкорларнинг мустақиллик даврида яратган иждодий изланиш намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети истиқлол даврида Қорақалпоғистонда ўзбек адабий муҳити тараққиёти умумий манзарасини ҳар бир иждодкор асарлари мисолида таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бадиий таҳлил, қиёслаш, тарихий-қиёсий, биографик, типологик таҳлил усуллари ҳам кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

мустақиллик даврида Қорақалпоғистондаги ўзбек адабий муҳити қиёфасини белгилаган мавзу ва муаммони янгилаш, ҳаётни ҳар хил ракурслардан баҳолаш, инсон кўнгли сир-синоатларини поэтик объектда ўрганиш каби эстетик тамойиллар янгича адабий-эстетик қарашлар аспектида умумлаштирилди;

услубий-шаклий изланишлар табиатидаги динамик ўзгаришлар, адабий таъсир ва иждодий алоқа жараёни, бадиий-эстетик тафаккур табиати ҳамда поэтик маҳорат сабаб бир-бирини тақозо этиши асосланган;

миллий ментал муштараклик, миллий идрок жамият ғоявий-бадиий тематикасига узвий таъсир ўтказганлиги бўлса, ижтимоий онгнинг муҳим қирраси сифатида бадиий адабиётда реалистик тасвир йўсини теранлашганлиги, ифода табиатига дахлдор фольклоризм, мифопоэтика ва стилизация ўзига хосликни тавсифлаганлиги далилланган;

ҳозирги адабий жараёнда қорақалпоғистонлик ўзбек иждодкорлари минтақа, мамлакат бадиий тизими илғор анъаналарини ўзида акс эттираётгани билан тафовутланганини аниқланиб, минтақа ўзбек иждодкорлари одатда тавсифий характерга эга публицистик талқинга яқинлашиши, бу жиҳат жамоатчилик савияси ва дид тарбияси билан боғлиқлиги, улар иждодида реалистик тасвир ва романтик кайфият бир-бирини тўлдириши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

истиклол даврида минтақада ўзбек адабий-бадий тафаккури тараққиётини таъминлаган услубий-шаклий изланишлар хилма-хиллиги ҳамда ижодий алоҳидалик ҳаётни, ижтимоий воқеликни янгича идрок этиш ва бадий-эстетик баҳолаш самараси эканлиги асослаб берилган;

адабий жараёнда ижтимоий-маънавий ҳаёт ва давр етакчи тамойиллари ўзига хос ифодаси бўлиши билан бирга истиклол йиллари ҳудуддаги ўзбек адабиёти умумий қиёфасини белгилаши исботланган;

давр руҳияти асносида ҳаётни поэтик тадқиқ этиш тамойили мазмун ва шаклга бирдек таъсир ўтказиши, муайян умумкайфиятни ўзига хос ифода этиши ички адабий қонуниятларга ҳам алоқадорлиги таъкидланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўйилган муаммо тадқиқига мустақиллик мафқураси талаблари асосида илмий жиҳатдан холислик мезони билан ёндашилганлиги, бадий ижод бўйича тегишли методлар орқали хулосалар чиқарилганлиги, шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тақозо этган янги ёндашувлардан фойдаланилганлиги унинг ишончлилигини таъминлайди, хилма-хил шаклдаги асарлар таҳлилларига оид қарашлар, якуний фикрлар унинг ҳаққоний ва асосли эканини изоҳлайди, тадқиқот натижалари ва хулосалари амалиётга жорий этилганлиги ва уларда адабиётшуносликда мавжуд янгиланаётган илмий тафаккурга суянилгани ва уни бойитгани унинг ишончлилигини яна ҳам оширади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистонда мустақиллик даврида ўзбек адабиёти, шу жумладан, миллий поэтик тафаккур тараққиёти масалаларига бағишланган тадқиқотлар яратиш ҳамда ижодий такомилни тарихий-типологик аспектда ўрганиш учун илмий-методологик асос вазифасини ўтайди, турли мавзу ва жанрдаги асарлар таҳлили асосида чиқарилган хулосалар тадқиқот оригиналлилигини оширади, бу йўналишдаги изланишлар доирасини кенгайтиради, тадқиқот натижаларидан истиклол даври адабиётидаги янгилашни жараёни, жанрий ва услубий изланишлар хусусида монографик тадқиқотлар юргизишда, янги давр ўзбек адабиёти илмий библиографиясини тузиш ва бойитишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда олий таълим муассасаларида “Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари», “Янги давр ўзбек адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён ва адабий танқид» фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, ихтисослик фанларидан махсус курслар ва танлов машғулотларини ташкил этишда дастуриламал вазифасини ҳам бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик даврида Қорақалпоғистондаги ўзбек адабий муҳити қиёфасини белгилаган эстетик тамойилларни ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга

оширишда фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 7-январдаги 70/1-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиёти ва адабий жараёнда мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда ўзбек адабий муҳити, ижодкор асарлари билан танишиш, ўзига хослигини аниқлашга эришилган;

Услубий-шаклий изланишлар табиатидаги динамик ўзгаришлар, адабий таъсир ва ижодий алоқа жараёни, бадиий-эстетик тафаккур табиати ҳамда поэтик маҳорат сабаб бир-бирини тақоза қилиши борасидаги назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г002-сонли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021-йил 2-июлдаги 154/1-сон маълумотномаси). Натижада минтақада ўзбек адабий муҳитида жанрлар тадрижи, адабий турлар ривожланиш қонуниятлари ҳамда ижодий таъсир генезиси аниқланган. Ўзбек адабий муҳити шаклланиши ва такомилли, адабий талқин ўзига хослиги ва асосий тамойиллари ойдинлаштирилган;

Миллий ментал муштараклик, миллий идрок жамият ғоявий-бадиий тематикасига узвий таъсир ўтказганлиги, ижтимоий онгнинг муҳим қирраси сифатида бадиий адабиётда реалистик тасвир йўсини теранлашганлиги, ифода табиатига дахлдор фольклоризм, мифопоэтика ва стилизация ўзига хосликни тавсифлаган илмий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Ассалам Қарақалпақстан» телекўрсатувида ва радиоэшиттиришларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 16-сентябрдаги 2-03/1492-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистонда истиқлол даври ўзбек адабий муҳити ижодкорлари ҳақидаги маълумотлар ойдинлаштирилган.

Ҳозирги адабий жараёнда қорақалпоғистонлик ўзбек ижодкорлари минтақа, мамлакат бадиий тизими илғор анъаналарини ўзида акс эттираётгани, минтақа ўзбек ижодкорлари одатда тавсифий характерга эга публицистик талқинга яқинлашиши, бу жиҳат жамоатчилик савияси ва дид тарбияси билан боғлиқлиги, улар ижодида реалистик тасвир ва романтик кайфият бир-бирини тўлдириши йўналишидаги материаллардан Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Ассалам Қарақалпақстан» телекўрсатувида фойдаланилган. Истиқлол даври ўзбек лирикасида Гулистон Матёкубова ижодида поэтик маҳорат ва илғари сурилган ғоялар кенг жамоатчиликка тарғиб этилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15-сентябрдаги 01-02/436-сон маълумотномаси). Натижада “Билимлендириўде реформа”, “Мийрас” телекўрсатувларининг миллий истиқлол даври адабиётига доир маънавий - маърифий эшиттиришлари маданий савияси кўтарилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-назарий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро журналда, 2 та

хорижий халқаро анжуманларда, 1 та республика журнали, 8 та республика миқёсидаги конференцияларда маъруза сифатида тақдим этилган, хусусан, “Journal of technical science and innovation” халқаро илмий журналда (2020-йил 1-3-сон), UzACADEMIA журнали (2021 й 14-сон), Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг илмий-назарий конференцияларида (2012, 2015, 2016 й), “Тиллар дўстлиги-маданиятлар дўстлиги” (Наманган 2017), “Жамият ривожига олима аёлларнинг тутган ўрни” (Жиззах 2016, 2017, 2018 й), “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” (Тошкент 2020), чет эл анжуманларида, “Фан ва таълимнинг инновацион ривожини” (Қозоғистон 2020 й май), “Европа, илм ва биз” (Чехия 2020 й июн) материалларида чоп қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий мамлакатларнинг нуфузли журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 125 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган илмий ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича қисқа маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Адабий талқин мақсадини белгилашда индивидуаллик ва типологик муштараклик**» деб номланган бўлиб, у икки фаслни ўз ичига олган. Бобнинг биринчи фасли «**Қорақалпоғистон ўзбек адабий муҳитида тажриба ва анъана яхлитлиги**» деб номланади. Унда худудда ўзбек адабий муҳити ўзига хослиги ёритилади.

Адабиёт- инсон кашф этган гўзаллик, барча ихтиролар ичида буюк неъмат саналади. Адабиёт бутун халқ учун бирдек муқаддас, азиз, оромбахш қувват – манбадан иборат. Унда инсоннинг нозик инжа сирлари, хистуйғулари, орзу-армонлари акс этади. Мустақиллик шарофати билан маданий ҳаётда юз берган янгиланишлар жараёни бадиий адабиётда ҳам ўз ифодасини топади. Юртимизда илм-фанга, адабиёт ва санъатга катта эътибор қаратилиб, давлат миқёсида жиддий аҳамият берилаётгани туфайли бадиий адабиёт ғоявий йўналиши, мавзу қамрови ва поэтик жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги муносабати билан истиқлол адабиёти шаклланди ва ривожланиш босқичига кирди. Жорий бадиий тизим миллийлик, халқчиллик, мафкуравийлик тамойилларининг кучайганлиги билан бошқа давр адабиётидан фарқ қилади. Инсонни англаш, унинг руҳий дунёси, ички кечинмалари, ақлий фаолияти, ҳаёт тарзи, орзу-интилишларини бадиий ифодалаш бу давр адабиётининг энг асосий хусусиятини белгилайди.

Мустақиллик мусаффо хавоси билан нафас олаётган, озодлик шабадасидан баҳраманд бўлаётган Қорақалпоғистонда вояга етган шоир ва ёзувчилар авлоди сўз санъатини давр руҳига монанд равишда бадиий баркамол асарлари билан бойитдилар. Каримбай Қурамбоев, Гулистан Матёкубова, Раъно Рахмонберди қизи, Файзулла Салаев, Янгибой Қўчқоров, Назира Матёкубова, Мансур Ахмедов, Гулчехра Рахимова, Мунаввара Юсупова ижодида янги давр умумқайфияти акс этади. Адабий босқич сатҳида тафаккур ва ҳис-туйғу кўлами ошгани сезилади.

Ҳар бир адабиётшунос тафаккури сўз, ижод ва эътиқодга муносабат тубдан янгиланиш жараёнини бошдан кечиради. Шу нуқтаи назардан К.Қурамбоев, О.Гайлиева, Н.Жуманиязова, Г.Қурамбоева, С.Жепбарова З.Кабуловаларнинг мустақиллик йилларидаги илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Илмий изланишларда адабий алоқалар ва адабий таъсир масалалари жуда ёрқин акс эттирилган. К.Қурамбоевнинг мустақиллик йилларидаги илмий изланишлари айни адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини жуда ёрқин акс эттириши ва адабий жараёнда илғор фикрлари, ўткир қалами ва танқидий баҳолари билан ўзига яраша ўрин эгаллади. Бу борада адабиётшунос олим ўзининг «Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар» китобида шундай ёзади: «Истиқлол йилларида миллий кадрият, миллий мафкура, миллий ғоя каби масалалар энг муқаддас ва долзарб, ўзликни англашдаги бетакрор маънавий-ахлоқий тушунчаларга айланди. Бу соҳадаги қўлга киритилган ютуқлар, тўпланган тажрибалар, шунингдек фойдаланилмаган имкониятлар ҳақидаги фикрларим ва таклифларимни мустақиллик йилларида ёзилган мақолаларимнинг ички мазмунига сингдиришга уриндим»⁶. Адабий муҳитнинг ўзига хослигини белгилашда олимнинг адабий алоқалар, шеърят, насрда етишиб чиққан ижодкорлар ҳақидаги танқидий фикрлари ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бу асарнинг сўзбошида М.Қўшжоновнинг “Уч халқ хизматида” мақоласи келтирилади. Бу мақолада мунаққид адабиётшунос олимнинг ўзбек, туркман, қорақалпоқ тилларида бемалол ижод қилиши, гапириши илмий ишлар яратиши ҳақида жуда бетакрор фикрлар билдириб юксак баҳолаган эди.

Бобнинг иккинчи фасли «**Поэтик тафаккур янгиланиши эстетик тараққиёт омили сифатида**» дея номланиб, унда адабий дунёқараш янгиланиш тамойиллари, эстетик идрок ўзига хослиги таҳлилга тортилади.

Ушбу бобда мустақиллик даври шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган шоира Н.Матёкубова, М.Юсупова ва ёш қаламкашлар ижоди таҳлилга тортилади.

⁶ Қурамбоев К. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар.Т. 2009 й 4-б

Дарҳақиқат, минтақада истиқомат қилаётган шоир, ёзувчилар изланишларида икки халқ тафаккури бадиий умумлашади. Ҳар бир даврнинг ўз мавзулари, ўз машҳур асарлари, фидоий инсонлари бўлади. “Ҳақиқий бадиий асардан ҳар бир давр ўзига мос ва ўзига зарур маънони топади. Шу туфайли асар кадрланади”⁷ деган эди М.Кўшжонов. Н.Матёкубова ижоди халқнинг истиқлол даври руҳияти, орзу-армонлари ҳақида битилган бебаҳо мисралар бўлиб шунинг учун ҳам халқ қалбидан чуқур жой олганини кўришимиз мумкин.

Шоиранинг “Тоғлар ишқи” тўпламида самимийлик, фикрларининг салмоғи, эзгулик, гўзалликка ўта хайрихоҳлик, худбинлик, кўролмаслик иллатига нафрат билан қараш, меҳр-шафқатдан бегона кимсаларга нисбатан муросасизлиги табиий ва таъсирли ифодаланган:

Тош зарбидан лолалар,

Тўкилиб сойга тушди.

Бир ғариб топса камол,

Ўн ғаним ўйга тушди.

Ёки:

На ёлғон, на чинни айтди у ёниб,

Армонга сўз бўлиб қолди ҳар қадам.

Сени тирноғига зор қилиб кетди,

Ўзи тирноғингга арзимас одам.

Муҳаббат мавзусида ҳамма ёзади, лекин Назира Матёкубова бу мавзуни тамомила ўзгача, ҳеч бир шоирда учрамайдиган чиройли мажозларда талқин этишга интилади. Шоиранинг муҳаббат борасидаги қарашлари, муҳаббатга муносабати ҳар хиллигини куйидаги мисраларида таҳлил қиламиз;

Бугунги шодликлар чегараланган,

Асли бу кунларнинг ўзи – омонат,

Юрак қанча куйсин, ўртанаверсин,

Бу ёғи севгимас, хиёнат!-

“Қиз ва кампир” шеърига эътибор қаратар эканмиз, миллий қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратганини кўришимиз мумкин. Бу шеър кичик сюжетли бўлса ҳам мазмунан жуда катта мавзуни, яъни миллий анъана ва урф-одатларни тасвирлаш билан жуда аҳамиятлилигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим;

Тонг оқариб қиз рўмолчасин,

Юзларига суради майин.

Кўрпасини силайди кампир:

“Эй худойим, ўлиб қолмайин”.

Бу шеърда илгари сурилган мавзу ва мазмун ҳақида К.Курамбоев: “Халқимизнинг мана шу асрий анъанаси шеърда чинакам миллий руҳда, жуда чиройли ифодаланган. Афсуски, бу миллий анъаналар ҳозирда унутилиб бормоқда. Шундай бир вазиятда шоиранинг бу мавзуда шеър ёзиши ва миллий

⁷ Кўшжонов М. Бадииятнинг ўлмас жилоси. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 й 20-сентябрь

қадриятларимизни тарғиб қилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга”⁸-деб кўрсатиб ўтади. Ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари бўлади, шеърда кампирнинг ўз қизини узатиш учун пинҳона ўз қўллари билан меҳр ила тикаётган кашталари, кўрпалари, қизларнинг эса ўз ёрларига атаб рўмолча ва дўппилар тикиши тасвирланади, халқнинг миллий руҳияти ўз аксини топади. Шунингдек шоиранинг худди шундай миллий қадриятларни тараннум қилувчи “Садоқат” номли шеъри ҳам инсон руҳиятининг ҳар хил кечинмаларини маҳорат билан тасвирлаганидан дарак беради. Сабаби севги-муҳаббат, садоқат мавзуси ҳеч қачон эскирмайди. Ҳар бир давр қаҳрамони учун янгича шаклларда намоён бўлаверади. Бу шеърда шоира ҳаётни файласуфона талқин қилади, инсоннинг нозик ҳис-туйғуларини тараннум этади.

Шунингдек, бу даврда М.Юсупова ижодининг серкирралигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бир қанча ёш ижодкорлар ўз асарларида инсоннинг ички психологизмининг нозик туйғулар билан чизиб беради. Инсон қалбининг дарёдек кенгликларига назар ташланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Миллий мустақиллик шароитида жанрлар динамикаси**» деб номланган. Унинг «**Минтақа шеъриятида мавзу, ғоя ва муаммо муштарақлиги**» деб аталадиган биринчи фаслида адабий талқин ўзига хослиги, шеърий идрок вужудга келиши ички ҳамда ташқи омиллари тавсифланади.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда кузатилганидек, адабиёт соҳасида ҳам дунёқараш янгиланиши қабариб кўринади. Айниқса, мавзу, ғоя ва ифодада ислоҳотлар ёрқин намоён бўлади. Ватан ҳақида, унинг озод ва обод келажаги ҳақида, инсонларда ўзгача кайфият ва руҳият акс эта бошлади. Чунки, мустақиллик халқимизнинг асрлар оша орзу қилган эзгу ниятлари рўёби эди. Кўпгина ёзувчи, журналист, шоирлар ижодида бу мавзу жуда катта муваффақиятли изларини қолдирди.

Адабиёт майдонида ўзининг мустаҳкам ўрнига, айтар сўзига эга бўлган ижодкор Гулистон Матёкубованинг талқинида замонавий руҳият, ижтимоий-сиёсий жиҳатларни тасвирлаш, инсон кечинмаларини ўзгача туйғу билан куйлаш, реал ҳаётни борича акс эттириш ҳақиқатлиги янада кучайди. Шоира лирикасидаги мустақилликнинг ўзгача қадамлари қорақалпоқ адабиётида нақадар шижоат билан акс эттирилганини ватан ва мустақилликни тараннум қилувчи шеърий тўпламларида кўриш мумкин. Шоира, “XX асрнинг охириги ўн йили, XXI аср остонаси мустақилликнинг илк йиллари ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги ислоҳотлар сингари адабиётда ҳам Инсонни, Ҳаётни, Озодликни, Кўнгил ва эрқни тушовлаб кўйган қандайдир бир кўзга кўринмас халқаларни узиб юборди. Гўё жиловланган руҳ ўз кишанларини синдирди. Илҳом Озодликка чиқди. Қалам ва Қоғоз Одам ўғли кўнглидаги дардлар кўзгусига айланди”⁹ -дея мустақиллик йилларида яратилган асарларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикрларини баён қилади. Бу фикрларнинг нақадар

⁸ Курамбоев К. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар. Т. 2009 й 397-б

⁹ Матёкубова Г. Қайтмоқ учун кетмоқдаман. «Қарақалпақстан. 2007 й 5-б

ҳаққонийлигини шоиранинг бу даврда яратилган сермахсул ижоди мисолида кўришимиз мумкин. Шоира ижоди тилининг соддалиги билан халқ қалбига жуда яқин. Шеърларида яшаётган муҳит колорити ўз аксини топади, худди бир вақтлар шоира ижоди ҳақида Зулфияхоним айтиб ўтганларидек: “Икки қутб, икки қирғоқ орасидаги изтироблар қанча оғир бўлмасин, бу қалб ўзанида осойишта ва сокин оқиб ётган дарё замзамаларини, қутблараро ястаниб ётган бепоён кенгликларнинг манзараларини, жонажон халқи ҳаётининг ёрқин лавҳаларини муҳаббат, висолу соғинч туйғуларини муқаддаслаштира олган қудрат унинг жисмини кўтариб турган замин каби ҳаётбахшлигини қаламга олади”¹⁰ -дея таъриф берганидай, халқ дарди билан яшаш шоира ижодининг асосини ташкил қилади. Шоира шу халқ фарзанди сифатида ҳар бир инсоннинг қалбида Ватанга муҳаббат, дўстона бағрикенглик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, ваъдага вафо, садоқат тушунчалари орқали ватанпарварлик туйғуларини тараннум этади. Шоиранинг «Ўзбекистоним» шеъри фикримиз далилидир:

Гуллар водийсида умидлар ўсар,
Уйларнинг тўрини бешиклар безар,
Оқ тонглари кутиб шамоллар эсар,
Оналари буюк Ўзбекистоним,
Келажаги буюк Ўзбекистоним.

Ўзбекистоннинг келажагига ишонч туйғуси акс эттирилган бу шеърда шоира ватаннинг гуллаб-яшнаши буюк ишларга қодир фарзандлари борлигини фахр ҳисси билан оддий, содда жимжимадор сўзларсиз жуда гўзал тарзда тасвирлаб беради.

Т.Қайипбергенов шоиранинг «Қалб зуррети» деб номланган қорақалпоқ тилидаги тўпламига ёзган сўзбошида шоиранинг ижодига юксак баҳо беради. Шунингдек, қорақалпоқ адабиётшунослари Қ.Жаримбетов, Қ.Уразимбетов, Ж.Базарбаевлар шоира ижодининг ўзига хослигини эътироф этишган.

Г.Матёкубова драматург сифатида **“Қаторда норинг бўлса”** поэтик драмасини яратган. Драма шоиранинг сахна асарлари яратиш йўлидаги ижодий изланишларининг янги қадамидир. Шоиранинг «Энг нафис гул» поэмаси, «Қаторлар» бадиасида, она юрт тараққиёти тараннум этилади.

Шоиранинг сонетлари мустақиллик даври ўзбек шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллайди. Сонет адабиётдаги ўзига хос шаклга эга бўлган жанр, 14 мисрадан иборат бўлиб, шоира бу жанрни яратишда Шекспир ижодидан илҳомланганини таъкидлайди. Шоира ижодида бу жанрда бир-бири билан чамбарчас боғланган 15та сонет мавжуд.

Шоира ижодининг ўзига хос жиҳатларини англаган Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсупов: «Сизда шоирлик бор. Бунинг устига меҳнаткашсиз.

¹⁰ Матёкубова Г. Йўлларингга чиқдим. «Қарақалпоқстан». 1997 й. 6-б

Дунёга шоирона кўз билан қарай оласиз. Бу хислатлар, афсуски, кўпгина ёш шоирларимизда етишмайди»¹¹ - деган эди.

Иккинчи фасл «Адабий жараёнда тасвирни кенгайтириш таомилларининг ўрни» дея аталади. Унда тасаввур ва адабий талқин таҳлилланади.

Ҳар қандай воқеа, ҳодиса бадиий ифодада янада гўзаллашади, таъсирчан моҳиятга эришади. Ёзувчи ва шоирлар фантазияси орқали тасвирланган бутун борлиқ ўзининг бутун бўю басти, кўриниши билан ижод аҳлига илҳом берса, улар бу бутун заминни тилга киритиб, жилолантириб, турфа хил шаклларда бизга етказиб бера олади. Бу уларнинг ижод қудрати, хаёлида акс этган тасвирнинг бадиийлик ила қоғозга туширилишидир, китобхон қалбига етиб боришида бўртиб туради. Қорақалпоғистонда ўзбек адабий муҳити ривожланишида ўзига хос хисса қўшган ижодкор Мансур Ахмедов ҳисобланади. Шоир ва журналист сифатида машҳур қаламкаш ижоди теранлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. «Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир...» - китоби шоир ижодини безайди. Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир...» - бу ёрга нисбатан ошиқнинг соғинчи, бетакрор ўхшатиши, муҳаббати изҳоридир, инсон қалбига бесўроқ кириб келувчи илоҳий муҳаббатига қўйилган ёдгорлик деган таассурот кўнглингиздан ўтади. Муҳаббат баъзи бир инсонларгагина берилувчи илоҳий инъом, у мисли чўғ ёндиради, куйдиради, илҳом беради, муҳаббат дардлари шеърга кўчади, муҳаббатдан яралган мисралар, илоҳий ишқни тараннум этувчи ёниқ ҳис-туйғулар нафасида бу шеърият шунчалар бетакрор яралган. Нимага айнан бунақа шеър ёзгану, нега бундай башорат қилган деган фикрлар кўнглингиздан ўтиши табиий:

Тўғри,
Ўқ қочмайди,
Ўқ отилади.
Лекин мен ўқдирман.
Қочаётган ўқ,
Ғашингизга теккан ёвни қулатиб,
Бир кун йўқ бўламан.
Йўқ бўламан!
Йўқ!!!¹²

Шоир «Бир кун йўқ бўламан» деб баралла айтаётган бўлса-да, жисман бу дунёни тарк этишини табиат қонунидек тасвирлаган бўлса ҳам, шеърлари билан инсонлар орасида қайта яшаш имкони берилган уларга. Мазмун шу қадар теран, ҳар қандай қалбдан шу туйғулар ўтиши тайин. Шоир ижоди ўзига хос томонлари ҳам айнан шу жиҳатларда, унинг борлиқни содда ва реал тарзда акс эттириш маҳоратига пайвандланади. Бу шеърлар ватан ҳақида, севги, садоқат ҳақида, соғинч ва ғам ҳақида, табиат ва ёшлиқ ҳақидаги мавзулардан иборат ажойиб гулдастага ўхшайди. Шеърлари инсон қалбига жуда яқин, тили

¹¹ Г.Матёкубова. «Қайтмоқ учун кетмоқдаман». Қарақалпақстан, 2007 й. 5-б

¹² Ахмедов М. Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир...Нукус 1995 й, 6-б

содда, мазмунан залворли, ҳаёт ҳақиқатини рассомдек тасвирлай олган чиройли ташбеҳлардан, бой шеърӣ жанрлардан иборат эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг жуда катта кўнгил кенгликларини тасвирлаб бериш учун фақат вақт керак, олам рангларини кашф қилиш ва олам ичра инсон ҳаётини ранглар билан тасвирлаш иштиёқи бошқача, лекин вақт жуда кам, шоир айтганидек:

Имкон бўлса эди менда,
чизардим-
Оламнинг номаълум сирларини ҳам.
Ҳаёли осмонни тутган шоирнинг
Ёзиб улгурмаган шеърларини ҳам
Имкон керак фақат...¹³

«Сўнгги армон» шеъри айни кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган долзарб мавзуга бағишлангани билан диққатга сазовордир. Шеър оқибатсиз фарзанд ҳақида, уни ўзи емай едириб, киймай кийдириб, қишнинг қировли кунларида пахта териб топган пулини шаҳарда ўқиётган ўғлига юбориб, ўзи касал бўлса ҳам, ўғлини ўйлаган, унинг ўқимишли катта одам бўлишини орзу қилган, меҳр кўрмаган меҳрибон ота-она ҳақида:

Бир йил бўлди, бир столни
Сақлайди у чирмашиб.
Бугун эса волидаси

Омонатин топширди. Лекин фарзанд онани сўнгги йўлга кузатишга келмади, у катта одам, унинг вақти йўқ, қишлоқда ҳамма уни кутмоқда, у эса ўзи ўтирган лавозим столини асраб-авайлаш билан овора, бу ҳолатдаги оғир руҳий изтироб ва муаллиф кечинмалари мисралар мазмунига сингдирилган:

...«Боролмайман бугун деди,
Шошилинич бир иш чиқди»
Бирдан ота кўзларидан
Икки томчи ёш чиқди...
Кўз ёшларин арта олмай
Бир жилмайди телбаҳол.
Бу жилмайиш то умрбод
Қолар менинг эсимда.
Бундай ғариб табассумни
Кўрмаганман ҳеч кимда.
Сўнгги йўлга армон билан
Кетди она ниҳоят.
Йиғлаб ёзган ушбу шеърим
Оғир тушди бағоят.¹⁴

Шоир ниҳоятда оғир бир ички изтироблар билан тасвирлаган бу ҳолат ҳалиям оқибатсиз фарзандлар орасида топилади. Шоир воқеликни худди рассом каби турли ранглар билан чизгандек таассурот уйғотади. Шоир

¹³ Ўша асар. 8-б

¹⁴ Ўша асар. 10-б

ижодида ўзига хос катта ўрин эгаллаган жиҳатларидан бири – бу «Жумаканинг гуррунглари» туркумидир. Бу кенг кўламли хангома таъбир жоиз бўлса шоир Э.Воҳидов қаламига мансуб «Донишқишлоқ латифалари» хангомалар туркуми таъсирида ёзилган, десак хато бўлмас. Биламизки, Э.Воҳидов ижодида бадий қаҳрамон Матмусанинг ўта соддалиги мисолида халқнинг ҳаётига боғлиқ фалсафий маънолар акс этирилган, ҳажвий кулги мохирона тасвирланган бўлса, М.Ахмедов туркумидаги хангома ҳам айнан қишлоқдаги содда бир асар қаҳрамони бошидан кечирган кулгили ҳолатлар, воқеалар силсиласида жуда теран фалсафий мазмунда акс этирилган. Ўзгаларни алдашни ният қилиб, ёлғон гапириши оқибатида аро йўлда ёлғиз ўзи қолиб кетганлигини кулгили тарзда тасвирлайди. Бу фикрларни биз куйидаги парчада кўришимиз мумкин;

Кимки халқни алдамоқни

Ният қилса олдиға,

Билинг, албат тушгусидир

Жумаканинг холига!¹⁵ - деган мисралар орқали халқни алдовчи ёлғончилар аҳволига жуда мазмунли хулоса берилган.

Муаллиф шеърлятидаги ўзига хос хусусиятларидан бири маҳаллий тил калоритининг сақланишидир. Шеърларда жуда содда ва ўринли, жуда усталлик билан Манғит шевасига хос бўлган тил материалларидан фойдаланганки, бу фақат шеърларининг сўз бойлигини оширишга хизмат қилган. Шоир асар қаҳрамонларини тасвирлаш жараёнида уларнинг индивидуал нутқига жуда катта эътибор қаратган. Масалан, *қуёшломо, адан, дўнгалак, пот, сомсом, орқайин. чузул, қанишар, шаптоли, қоптол, копи* каби сўзлар халқ жонли тилида кўп қўлланилувчи сўзлардир, бу каби сўзларни асосан, хангомаларида кўпроқ учратамиз. Шоирнинг қайси мавзудаги шеърини ўқисак-да, халқ дилига жуда яқин эканлигини англаймиз, чунки шоир халқнинг эзгу ниятларини, ўй-фикрларини, ҳис-туйғуларини шеърлари мазмунига сингдирган.

Учинчи боб **«Адабий маҳорат ҳамда бадий нутқни индивидуаллаштириш тамойиллари»** деб номланиб, у икки фаслни ўз ичига олади. Биринчи фасл **«Бадий услуб: миллий мансублик, ифода стилизацияси ва тасвир аналогияси»** деб номланган. Унда ижодкор услуби ўзига хослиги, адабий талқинда анъана ва тажриба алоқаси текширилади.

Адабиёт ҳар доим замон ва давр билан ҳамнафас ўзгариб боради. Ҳар бир даврнинг ўз дарди, ўз мавзулари бўлади. Бу мавзулар ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда адабий жараёнда ўзига хос тарзда акс этиб туради. Бадий адабиёт инсонлар қалбига етиб боради, уларнинг қалбларини забт этади, дилига таскин беради. Айнан мана шу жиҳатларига кўра адабиёт чегара билмайди, у қайси халқ вакили бўлишидан қатъи назар, ўз ўқувчисини топиб, уларнинг қалбида образлар мисолида яшайди. Сўз қудрати эса, албатта, сўзларни маҳорат билан қўллай олгандагина ўз таъсир кучини намоён қилади.

¹⁵ Ўша асар. 85-б

Ўзбек адабиёти намоёндаси, ўзининг серқирра ижоди билан ўз ўрнига эга бўлган журналист ва шоира Раъно Раҳмонберди қизидир. Шоира ижоди том маънода Мустақиллик йилларида ўзининг бой таровати билан намоён бўлмоқда. Бу қутлуғ кунларнинг халқимиз ҳаётидаги таъсирини кўриб, билиб, англаб туриб, қалб кечинмалари ва туғёнларини турли жанрларда акс эттира бошлади. Бу давр ҳар бир халқ фарзанди учун дилидаги ҳис-туйғуларини етказиб бериш, очиқ-ошкор баён қилиш учун имконият берди. Айни мана шу имкониятдан оқилона фойдаланган сўз заргари кўнгил кечинмаларини васфиялари ва шеърий мисралар мазмунига сингдирган. Инсон руҳияти ҳақида, унинг руҳий ҳолати ҳақида, психологик ўзгаришлари ҳақида ёзиш жуда урфга айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, шоира ижодида биз шеъриятнинг турфа инжуларини кўришимиз мумкин. Баъзи шеърларида ватанни таъриф тавсиф қилса, баъзиларида, муҳаббатдан сирлашади, баъзан дўстларга дил дафтларини очса, баъзан замон заминнинг дарду аламларини акс эттиради, баъзан эса фалсафий мушоҳадаларга бой дostonлар битаётган шоир ва журналист сифатидаги бебаҳо бадиий маҳоратидан жиддий ҳайратланамиз.

Шоиранинг мустақиллик йилларидаги жўшқин ижодий фаолияти ҳақида, ижодий ўзига хослиги, мавзу ва мазмун ранг-баранглиги ҳақида “Рух манзаралари” китобига киритилган васфиялар, ҳикоятлар, бағишловлар ўзига хос поэтик манзараларни намоён этади. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” китобида васф-бу арабча сўз ваъф(ун) шаклига эга: ўзбек тилига сад ундошини с ундошига алмаштириб қабул қилинган: ваъф→васф; кўп маъноли ваъфа феълининг “тасвирлади” маъноси билан ҳосил қилинган, “оғзаки тавсиф” маъносини англатади (ЎТИЛ 1.173)¹⁶, - деб кўрсатилади. Интернет саҳифаларида “васфия”- арабча сўз бўлиб, мақташга, эъзозлашга, эътирофга муносиб маъноларини англатиши ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, васфия-Оллоҳни мадҳ этиш, бағишлов¹⁷ маъноларини билдириши ҳақида ёзилган.

Раъно Раҳмон қизи “Рух манзаралари” китобининг бошланишини Васфиялар “Кўнгил салтанати” деб номлар экан “Кўнгил ҳақида кўнгилнинг қаламга изҳорлари” акс эттирилиши ҳақидаги кечинмаларини айтиб ўтади ва шундай ёзади; “Ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашда унинг руҳиятини ўрганиш ва тарбия ишларини шу асосда йўналтириш муҳим аҳамият касб этади”¹⁸. Муаллиф васфияларини (бағишловларини) ўқир экансиз, бу мисраларнинг қалбингизга нақадар яқин эканлигини англай олгандек бўласиз, ёзувчига “кўнгил ичидаги кўнгил билан сўзлашмоқ саодати, масъулиятини” теран ҳис қиласиз. Муаллиф ўз чуқур маъноли, сермазмун, ранг-баранг мавзудаги ижоди билан қалбингиздан муқим ўрин эгаллайди:

Раъно Раҳмон қизининг ижодидан ўрин олган қуйидаги ҳикоятда ҳам жамиятимизда бўй кўрсатаётган кибр, манманманлик, нафс балоси қораланиб,

¹⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент. 2003 й. 87-б

¹⁷ www.Ziyounet

¹⁸ Раҳмон қизи Р. Рух манзаралари. Тошкент, 2003 й. 3-б

